

**Шайх доктор Айман Завоҳирий**

**Дўст ва душман  
орасидаги чизиқни  
ўчиришга бўлган  
ҳийлакорона уриниш**

**Таржимон: Шаҳид Абу Мансур  
Аҳмад роҳимаҳуллоҳ**

**Sodiqlar.com**

## Муқаддима

Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

Бутун оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Унинг барча оламларга раҳмат қилиб юборилган элчиси, унинг оиласи ва асҳобларига, уларга яхшилик билан эргашганларга салавоту дуолар бўлсин. Аммо баъд...

Ислом уммати тарихидан бўлган охирги ўн йилликлар куфр туғён кучлари билан Ислом уммати, унинг олдинги сафдаги мужоҳид гуруҳлари ўртасида бўлаётган шиддатли кураш гувоҳи бўлмоқда. Ушбу кураш Вашингтон ва Нью-Йоркка ҳужумдан кейин, Бушнинг Ислом оламига эълон қилган янги саличилар ҳужумини терроризмга қарши кураш, деган эълонидан сўнг авжига чиқди.

Мана шу воқеа ва ҳодисалардан Исломдаги ал-вало вал-баро (Аллоҳ йўлида дўст бўлиш ва душман бўлиш) ақидасининг аҳамиятини англаб етиш, Исломий ақиданинг ажралмас қисми бўлган бу буюк руҳн омонатини адо этишдаги камчилик нуқсонларни фаҳмлаш, сўнгра Ислом душманлари ва уларнинг гумаштамалайлари бу буюк руҳн кўринишларини Ислом умматидан йўқотиш учун душманларни дўст кўрсатиб, яхшиларни ёмон, дея тухматлар қилиш билан ижро этаётган макрларини англаб етишга бўлган эҳтиёж нақадар зарурлиги равшан бўлди.

Ушбу урушдан мақсад ҳақ билан ботил ўртасини ажратиб турувчи асосий ўқ ЧИЗИҚни ўчиришдан иборатдир. Токи, дўст-душман аралашиб кетсин. Бундан ташқари, бу урушдан воқеликни бўяб кўрсатиш ва Аллоҳдан ўзгаларга бўйсуниб, унинг шариатидан бошқа қонунлар билан ҳукм юритишини зийнатлаб кўрсатиш билан ривожланиб бораётган Исломий жиҳод руҳиятини сўндириш ҳамда Ислом умматининг олдинги сафдаги мужоҳид гуруҳлари, уларнинг ансорлари ва улар атрофига жамланганлар кўтараётган иззат, жиҳод байробини ва ҳақ даъватини бузиб кўрсатиш кўзда тутилган.

Ҳақиқатга, иззатга ва жиҳодга бўлган даъват ортиб боргани сари, унинг қаршисида хорликка, тобеъликка ундовчи ботил даъвати ҳам кучайиб боради. Ҳатто бу даъват соҳиблари ўзларини аспи саодат ва салаф ақидаси ҳомийлари, деб жар солишлирига қарамасдан, аввалги "муржиъа" (қалбида иймони бор кишига гуноҳнинг ҳар қандай тури заар қилмайди, деган) фосид ақида тарафдорларининг даъвосини қабул қилишдан ҳам ҳеч ҳаё қилмадилар.

Улар ўзларини шариат посбонлари ва унинг ҳимоячилари, деб даъво қилиш билан бирга фожир илмоний (куфр) мафкураси тарғиби йўлида хизмат қилишда ҳеч қандай шармандаликини ҳис қилмаяптилар. Уларнинг наздиларида инсон намоз ўқиши, рўза тутиш, закот бериш ва ҳаж қилиб такволи мусулмон бўлиш билан бир вақтда, куфр ҳукумати вазифаларидан бирон мансабда, ички хавфсизлик, радио-эшиттириш, ҳуқуқшунослик ёки унинг низомий аскарлари сафида бўлиб, илмонийликка даъват этувчи ва Исройлни тан олиб, унга буйсунишга даъват этувчи қонунлар ҳимоячиси бўлишда ҳеч бир гуноҳ йўқ...

Ҳатто биз иззату шарафда асл бўлган ҳоким хонадонлар Америка манфаатлари йўлида хизмат қилаётганини кўрдик, ҳолбуки бу хонадонлар ўзларини тавҳид ҳимоячилари, деб даъво қилишади. Илмоний дастурлар тузиб, ўзлари томонидан ишлаб чиқилган қонунлар билан ҳукм қилаётган, сиёсатда Исройл билан мусобақа қилаётган, олийгоҳларда ҳижобни тақиқлаётган, Қуръон ёдлаш мусобақаларини бошқараётган куфр бошликларини кўрдик ва мусулмонларга азоб берувчи ашаддий жаллоҳлар ҳаж, умра қилаётганларининг гувоҳи бўлдик.

Афғонистонда қароқчилар Америка кучларидан маош оладилар. Америкаликлар уларга бу маошни мужоҳидларга қарши урушишлари учун берадилар. Қароқчиларнинг шаҳид бўлган мужоҳидлар либосларини табаррук қилаётганларини ва уларнинг қабрларидан бир сиқим тупроқни табаррукона олиб кетаётганларини ҳам кўрдик.

Шайхул Ислом Ибн Таймийя мўғул татарлар ҳақида ҳикоя қилиб шундай дейди: **"Одамлар мўғул татарларни бир парча жойни улуғлаганлари ҳолда у ердаги молларни талаб олиб кетганларини кўрганлар. Улар бир одамни табаррук, дея улуғлаб, унинг либосларини тортиб олиб, номусини ҳақорат қилишар, уни аламли азоблар билан азоблар эдилар. Агар диний нуқтаи-назардан қаралса, динда осий бўлган одамгина жазоланади. Татарлар эса ўzlари улуғлаётган одамни ҳам дин хусусида азоблайверадилар, чунки у одам булардан кўра итоатлироқдир. Буларга қандай таъвил бериш мумкин".** "Фатово ал-кубро", 4 жузъ, 332 сахифа.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки бу ботилнинг қўрқув солувчи, қўпиртирувчи бир машинасиdirки, у бизнинг қалбларимизга ўтириб қолган фасодни ва умматимизнинг пок тупроғига, хоссатан унинг муқаддас жойлари бўлмиш икки ҳарами ва Қуддуси шарифга ўрнашиб олган иҳтиол (оккупация)ни бардавом қилиш учун ҳар қандай нарсани аралаштириб юбораверади.

Озгина ўйлаб тафаккур қилган одам ғайришаръий - фосид қонунлар ҳукмининг бардавом бўлиши ва ўлкаларнинг янги салибчилар кучлари учун очиб берилиши бу уларнинг доимий даъват ва тарғиботларининг ҳосиласи эканлигини билади. Бу эса уларнинг тарқататётган ҳар бир эшиттириши-ю, нашрларида ва сўзлаган ҳар бир нутқларида кўзда тутган ҳадафлари эди.

Шаҳар дарвозаларини салибчиларга очиб берганлар шундай бир тоифадирки, Қуръони Карим уларнинг аввалги ўтмишдошлари расvosини чиқариб, ҳақиқий юзларини очиб ташлаб, улар мусулмонлар орасида фитналар тарқалишини орзу қилувчилар эканлигини ва фитнани жудаям тез қабул қилишларини, ўзларининг шахсий ва моддий манфаатларини кафолатлаб берувчи кофирлар бағрига ўзларини тез отувчилар эканлиги хабарини берган эди.

Аллоҳ айтди:

**Агар улар (жиҳодга) чиқишни истаганларида унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдилар. Лекин Аллоҳ чиқишларини истамай, уларни дангаса қилиб кўйди ва уларга (ўзларидан бўлган кимсалар тарафидан): «Қолганлар (яъни, аёллар, ёш болалар ва ожиз-нотавон**

**кишилар**) билан бирга ўтираверинглар», дейилди. Агар улар сизларнинг орангиздан чиққанларида ҳам, сизларга фақат ортиқча зиён бўлган ва ўрталарингизда сизларни фитнага солиш учун югуриб-елиб юрган бўлур эдилар ҳамда ораларингизда уларга қулоқ соловчилар ҳам (топилган) бўлур эди. Аллоҳ золим кимсаларни билгувчиидир. "Тавба" сураси 46-47-оятлар.

Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган (яъни эътиқодлари заиф бўлган) кимсалар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар», дея бошладилар. Ўшанда улардан бир тоифа одам деди: «Эй Ясриб (яъни Мадина) аҳли, сизлар учун (бу қадар кўп сонли ёвга қарши) туриш имкони йўқдир, бас (ўз уйларингизга) қайтиб кетинглар». Улардан яна бир гурӯҳ эса «Уйларимиз очиқ-сочиқ (қолган эди),» деб пайғамбардан изн сўрадилар. Ҳолбуки (уйлари) очиқ-сочиқ эмас эди. Улар фақат (жанг майдонидан) қочишнигина истардилар. Агар уларнинг (мунофиқларнинг) устига (Мадинанинг турли) томонларидан (бостириб) кирилса-да, сўнгра улардан фитна (яъни мусулмонларга хиёнат қилиш) талаб қилинса, шак-шубҳасиз улар кўп (иккиланиб) турмасдан (хиёнатга розилик) берган бўлур эдилар. "Аҳзоб" сураси, 12-14-оятлар.

Шунинг учун ҳам мана шу асрдаги ақида ва тавҳидга таҳдид колаётган энг хатарли фитна бу мўъминларни дўст тутиш, кофирларни эса душман билиш ақидасидан бурилиш фитнасидир.

Бир неча саҳифалардан иборат бўлган ушбу китобчани мусулмон миллатимизни огоҳ этиб, Америка яхудийларидан иборат бўлган янги салибчилар ҳамласига қарши уйғониши ва Аллоҳнинг изни билан нусратга лойик жиҳод қилишларида оз бўлсада кўмак бўлар, деган умидда тасниф этдик. Китобчани икки фаслга ва бир хотимага тақсимладик. Биринчи фаслда Исломдаги "ал-вало вал-баро" рукни ҳақида, иккинчи фаслда эса ушбу ақидадан бурилишнинг кўринишлари ҳақида сўз юритилади. Хотима қисмида биз таъкидлаб айтмоқчи бўлган маъно ва мазмунлар борасида сўз юритди.

Ушбу китобчадаги барча яхшиликлар Аллоҳнинг тавфиқидан бўлиб, ундаги барча ғайрисахиҳ нарсалар биздан ва шайтондандир.

**«...Ва (бунга) ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўлурман. Ўзига суюндим ва Ўзига илтижо қилурман.»** ("Худ" сураси, 88 оят маъноси)

Ва охиру даъвана анилҳамду лиллаҳи Роббил оламийн!

## БИРИНЧИ ФАСЛ: ИСЛОМДАГИ АЛ-ВАЛО ВАЛ-БАРО РУКНЛАРИ

### 1. КОФИРЛАРНИ ДЎСТ ТУТИШДАН ҚАЙТАРИШ

Аллоҳ таоло айтди:

«(Модомики, барча иш, бутун мулк Аллоҳнинг қўлида экан, демак) мўъминлар мўъминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз.» ("Оли Имрон" сураси, 28-оят маъноси.)

Имом Табарий роҳимаҳуллоҳ ушбу ояти карима тафсирида шундай дейди:

"Бунинг маъноси: Эй мўъминлар кофирларни ўзларингизга орқа ва ёрдамчи тутманглар, уларга динларида эргашган ва мусулмонлар зарарига уларга ёрдамлашган бўлиб, мусулмонларнинг заиф нуқталарини уларга очиб қўясизлар. Кимки мана шу ишларни қилса у ҳеч бир нарсада Аллоҳдан бўлмайди. Яъни, у бу иши билан Аллоҳдан йироқлашади. Аллоҳ эса унинг диндан муртад бўлгани ва куфрга киргани сабабли ундан юз ўгиради. (Тафсири Табарий, 3-жузъ, 227-саҳифа)

Аллоҳ таоло айтди:

**"Бундай мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигидан "хушхабар" бериб қўйинг!"** ("Нисо" сураси, 139-оят маъноси)

**"Эй мўъминлар, мўъминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманглар! Аллоҳ учун ўз зарарларингизга очиқ ҳужжат қилиб беришни истайсизми?"** ("Нисо" сураси, 144-оят маъноси)

Имом Табарий ушбу оят тафсирида шундай дейди: *"Аллоҳ уларга: "Эй Аллоҳга ва Унинг Росулига иймон келтирганлар, кофирларни дўст тутманглар! Сизлар ўз миллатингиз ва динингиз аҳлидан бўлган мўъминларни қўйиб, кофирларни қувватлаган бўлиб, ўзларига дўзахни вожиб қилиб олган мунофиқлардан бўлиб қоласизлар", дея огоҳлантироқда".* (Тафсири Табарий, 5-жузъ, 337-саҳифа)

Аллоҳ таоло "Моида" сурасининг 51-58-оятларида бундай дейди:

«**Эй мўъминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз!** Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Бас, сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: "Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз", деган ҳолларида улар (кофирлар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу

мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар. (Шунда) мўъминлар (бир-бирларига): "Жон-жаҳдлари билан "Сизлар билан биргамиз", деб қасам ичганлар шуларми?" — дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолишли. Эй мўъминлар, сизларнинг ичингииздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтиурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўъминларга хокисор, кофирларга эса қаттиқўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу-марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчиdir. Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўкис адо этадиган, закотни (хақдорларга) ато этадиган мўъминлардир. Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўъминларни дўст тутса (нажот топгай), зоро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчиdir. Эй мўъминлар, сизлардан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил масхара қилиб олган кимсаларни ва кофирларни дўст қилиб олмангиз! Агар мўъмин бўлсангизлар, Аллоҳдан қўрқингиз! Сизлар качон намозга чақирсангиз (азон айтсангиз), улар ўша (намозни) масхара-ўйин қилиб оладилар. Бунга сабаб уларнинг ақлсиз-жоҳил қавм эканликлариdir.»

Имом Табарий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: Аллоҳ таоло ўзининг «сизлардан кимки уларни дўст тутса, у ҳам ўшалардандир» сўзи билан «Кимки мўъминларни қўйиб, яҳуд ва насороларни дўст тутса, у ҳам ўшаларнинг ҳукмида бўлиб қолади» демоқда. Энди кимки улар билан ҳамкор бўлиб, мўъминларга қарши уларга ёрдам қилса у ҳам ўшалар миллати ва динидан ҳисобланади. Чунки бир киши бирон кимса билан дўстлашса, у билан, унинг дини билан ва у рози бўлган нарсаларнинг барчасида у билан шерикдир. Энди унинг динига ва қилаётган ишларига рози бўлиб, унинг мухолиф ва душманларини душман билса, улар ҳар иккисининг ҳам ҳукми бир хил бўлади. (ТафсириТабарий, 6-жузъ, 277-саҳифа)

Ибн Ҳажар Асқалоний Имом Бухорийнинг Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган мана бу:

**«Агар Аллоҳ бир қавмга бало юборса, ўша қавм ичида бўлганларнинг барчасига баробар азоб етади. Сўнг ҳар ким ўз амалига кўра қайта тириладилар,»** ҳадиси шарҳида шундай дейди:

"Бундан кофир ва золимлардан ўзни олиб қочиш шаръий бир амал эканлиги маълум бўлади. Мусулмон кишининг кофирлар орасида уларга ёрдам бермай, ишларига рози бўлмай яшаб туриши ўзни ҳалокатга ташлашдир. Агар уларга рози бўлиб, қилаётган ишларida ёрдамлашса, у мусулмон ҳам ушаларнинг ҳукмида бўлади". ("Фатхул борий", 31-жузъ, 61-саҳифа)

Шунинг учун ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни дўзах азобида абадий қолишига ҳукм этганлигини "Моида" сурасининг 80-81-оятларида баён қилиб шундай дейди:

«Улардан кўплари кофир бўлган кимсаларни дўст тутганларини кўрасиз. Уларга нафси ҳаволари нақадар ёмон нарсани — Аллоҳнинг ғазабини келтирди. Энди улар абадий азобда қолгувчидирлар. Агар Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган китобга иймон келтирганларида эди, уларни (кофирларни) дўст тутмаган бўлур эдилар. Лекин улардан кўплари итоатсиз кимсалардир.»

«Эй мўъминлар, агар иймондан куфрни афзал билсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз! Сизларнинг ичингизда кимда-ким уларни дўст тутса, (яъни, уларни деб иймондан куфрга қайтса) бас, улар золимлардир. (Эй Мұҳаммад), айтинг: "Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-үруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши қўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини (яъни азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар. Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас."» ("Тавба" сураси, 23-24-оятлар маъноси)

Иbn Касир роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

"Хофиз Байҳақий Абдуллоҳ ибн Шузабдан қилган ривоятда у: "Абу Убайда ибн Жарроҳнинг отаси Бадр жангига олиҳаларни таърифлаб наът ўқий бошлади. Абу Убайда эса уни кузата бошлади. Жарроҳ наътни кўпайтириб юборгач, ўғли фурсат пойлаб унга ҳамла қилиб ўлдирди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унинг ҳақида юқоридаги ояти каримани нозил қилди. Дарҳақиқат, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадисда:

**"Жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, сизлардан бирингиз учун мен ўзининг отасидан ҳам, боласидан ҳам ва ҳамма одамлардан кўра суюклироқ бўлмагунимча у тўлиқ имонли бўла олмайди"**, дейилган. ("Тафсири Ибн Касир" 2-жузъ, 343-344-саҳифалар)

### Дўст тутиш ва сақланиш (шаръий туқия) ўртасидаги фарқ

Ислом шариати қайтарилган иш бўлмиш кофирларни дўст тутиш билан уларнинг ёмонлигидан сақланиш орасини ажратиб қўйган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло "Оли Имрон" сураси 28-оятда:

«(Модомики, барча иш, бутун мулк Аллоҳнинг қўлида экан, демак) мўъминлар мўъминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз,» дейди.

Иbn Касир роҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида:

Аллоҳ таолонинг: «Магар улариииг ёмонлишдан сақланиш учунгина юзаки м uomала қилсангиз жоиздир» деган маънодаги Сўзидан мурод баъзи ишларларда ва баъзи вақтларда кофирларнинг ёмонлик қилиш хавфи бўлса, уларнинг зулмидан сақланиш учун, чин кўнгилдан эмас, балки зоҳиран ўзини уларга дўст кўрсатиш жоиздир», дейди.

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ Абу Дардодан қилган ривоятда айтилганидек:

**«Биз қалбларимиз лаънатлаб турган одамларнинг юзига тишимизнинг оқини кўрсата оламиз.»**

Суфён Саврий Ибн Аббосдан нақл қилишича, у: **«Туқия (зулмдан сақланиш) учун ўзини дўст кўрсатиш амал билан эмас, балки тил билангина бўлади»**, деган эди. ("Тафсири Ибн Касир" 1-жузъ, 358-саҳифа)

**«Аллоҳ иймон келтирган зотлар (ва улар ўзлари ҳақиқий мўъмин бўлсалар, яқин одамларининг кофир ҳолда бўлиши уларга зиён қилмаслиги) ҳақида Фиръавннинг аёlinи мисол келтирди. Ўшандада (яъни, Фиръавн у аёлнинг Мусо пайғамбарга иймон келтирганини билиб қолгач азоблаган чоғида) у: "Роббим, ўзинг мен учун ҳузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин" деди»** ("Таҳрим" сураси, 11-оят маъноси) тафсирида Ибн Касир шундай дейди:

"Бу мўъминлар кофирлар билан яшашга зарурат туғилган пайтда улар билан бирга яшашнинг зарари йўқлигига Аллоҳнинг келтирган мисолидир. Аллоҳ "Оли Имрон" сурасининг 28-оятида: **"Магар уларнинг ёмонлигидан сақланиш учунгина юзаки м uomала қилсангиз жоиздир"**, деб истисно қилгани каби". (Тафсири Ибн Касир, 4-жузъ, 394-саҳифа)

Имом Қуртубий роҳимаҳуллоҳ ўз тафсирида Муоз ибн Жабал ва имом Мужоҳиднинг қуидидаги сўзларини келтиради:

**"Туқийя (сақланиш) ислом янги бўлиб, мусулмонлар қувватга келмаган вақтда бўлганди, энди эса Аллоҳ Исломни азиз қилди. Мусулмонларни душманлардан сақланишига ҳожат қолмади".**

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

**"Сақланиш учунгина ўзини дўст кўрсатиш амал билан эмас, балки тил билангина бўлиб, қалб эса иймонга тўла бўлиши шартдир. Мусулмон киши сақланиш учун одам ўлдириш ё катта гуноҳ қилишгача бормайди"**, дейди.

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ айтади:

**"Инсон учун сақланишлик то Қиёматгача жоиз, лекин кофирни ўлдиришда сақланиш йўқ (яъни кофирни ўлдириш лозим бўлса, ўлдирилади)".**

**"Киши кофирлар орасида яшаган пайтида унинг жонига хавф туғилса, қалби иймон билан мутмаъин бўлган ҳолда фақат тили билан муроса қилиши жоиздир, сақланиш эса фақат қатл, аъзоларни кесиш ёки катта озор хавфи вужудга келгандагина ҳалол бўлади, лекин у куфрга мажбурланса рози бўлмай, балки ўзини олиб қочиши лозим бўлади".** (Тафсири Қуртубий, 4-жузъ, 57-саҳифа)

Имом Табарий роҳимаҳуллоҳ "Магар уларнинг ёмонлигидан сақланиш учунгина юзаки мумомала қилсангиз жоиздир", маъносидаги оят тафсирида:

**«Қачонки мусулмонлар кофирлар ҳукмронлиги остида бўлиб, уларнинг жонларига хавф бўлсагина типлари билан ўзларини уларга дўст эканлигини изҳор қиласдилар. Қалблари эса уларга нисбатан адоватга тўла бўлиб, уларнинг куфрона ишларига ҳамкор бўлмайди ва бирон мусулмоннинг зарарига уларга амалда ёрдамлашмайди,»** деб ёзган эди. ("Тафсири Табарий", 3-жузъ, 227-саҳифа)

Бу шарҳни Шайхул-Ислом Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳнинг татарлар томонидан уларнинг қўшинларига қўшилиб жангга чиқишига мажбурланган одамлар ҳақидаги сўзлари ҳам қувватлайди. У шундай деган эди:

**"Агар жиҳод вожиб бўлган ва мусулмонлардан бир қанчаси ўлдирилган бир вақтда бир мусулмон улар сафида туриб, жиҳод учун саф тортган мусулмонларни ўлдирса... дунёда бунданда буюкроқ гуноҳ борми?!"**

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам фитна пайтида жангга мажбурланган одамга қиличини синдириб ташлашни буюрганлар. Гарчи, мажбуrlаш ўлим даражасигача борсада унинг бундай жангда иштироқ этиши жоиз эмас. Имом Муслим ўз "Саҳиҳ"ида Абу Букрадан қилган ривоятда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Тез кунларда фитналар бўлади. Огоҳ бўлинглар, сўнг яна фитналар бўлади. Огоҳ бўлинглар, сўнг яна фитналар бўлади. Унда ўтирган одам юргаи одамдан, юрган одам эса (фитнада қатнашиб) ҳаракат қилаётган одамдаи афзал бўлади. Фитналар бўлганда кимни туяси бўлса туясини боқсин, кимни қўйи бўлса қўйини боқсин, кимнинг ери бўлса ерига борсин!, дедилар. Шунда бир киши:

— Эй Росулуллоҳ на туяси, на қўйи ва на ери бўлмаган одам нима қилсин? — деб сўради.

— Қиличининг юзига тош билан урсин. Сўнг нажотга қодир бўлса нажот топсин (яъни ўзини бирон жойга олиб қочсин).

— Эй Аллоҳим! Етказдимми? Эй Аллоҳим! Етказдимми?

Эй Аллоҳим! Етказдимми?, — дедилар. Ҳалиги киши яна:

— Агар мен икки сафдан ёки икки гуруҳдан бирига қўшилишга мажбуrlансаму бир киши мени қиличи ёки найзаси билан уриб ўлдирса нима бўлади? — деб сўради. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Ўзининг гуноҳига қўшиб сенинг гуноҳингни ҳам бирга олиб кетади ва дўзах аҳлидан бўлади, — дея жавоб бердилар.

Ушбу ҳадисда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам фитида жанг қилишдан қайтарибина қолмай, балки жанг қуролини яроқсиз қилиш ёки бошқа узрлар билан урушдан ўзни четга олишга буюрдилар. Ундей пайтда жангта мажбурланган одамнинг нима қилмоги лозимлигини ва агар у зулман ўлдирилса, уни ўлдирган одам ўз гуноҳига қўшиб мақтулнинг гуноҳини ҳам ўзи билан бирга олиб кетишини баён қилдилар. Худди Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одам алайҳиссаломнинг икки ўғли қиссасини баён қилиб берганидай.

Мақсад: фитналар пайтида жангта мажбурланган одам жанг қилишга ҳақли бўлмайди. Балки, у қуролини яроқсиз қилиб, мазлум ҳолда ўлдирилгунга қадар сабр қилмоги лозим. Шундай экан, энди закотдан бўйин товловчилар, муртадлар ва Ислом шариатидан четда бўлган тоифалар билан бирга мусулмонларга қарши жанг қилишга мажбурланган одам нима қиласди? Бу одам кофирлар томонидан мусулмонларга қарши жангда иштироқ этишга мажбур қилинса, мусулмонларга қарши жанг қилмаслиги вожиб бўлади. Худди бир одам бирорни гуноҳсиз бир мусулмонни ўлдиришга мажбуrlаса уни ўлдириш жоиз бўлмайди. Гарчи: "Сен уни ўлдиримсанг мен сени ўлдираман", дея мажбуrlаса ҳам бегуноҳ одамни ўлдиришга унинг ҳаққи йўқ. ("Фатволар тўплами" 26-жузъ, 538-539-саҳифалар)

Хулоса шуки: бир мусулмон одам кофирлар тарафидан қаттиқ зулм, катта озор, аъзоларини кесиш ёки қатл каби оғир балоларга рўбару келиб қолгудек бўлса, бундай балоларни ўзидан даф қилиш учун тили билан баъзи бир қалималарни айтиши жоиз. Лекин кофирлар учун ёрдам бўладиган ёки гуноҳкор бўлинадиган бирон ишга бормоғи, уларга бирон мусулмоннинг зарарига амалда ёрдамлашмоғи, қотилликка ва мусулмонларга қарши жангта бормоғи асло жоиз эмас. Гарчи ўлимга олиб борувчи озорлар бўлсада мусулмон учун бу озорларга сабр қилмоғи афзалдир.

## 2. КОФИРЛАРНИ ДЎСТ ТУТМАСЛИК ВА УЛАРНИ ЁМОН КЎРИШ

**а) Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларни Аллоҳ ва унинг Росулига қарши бўлганлар билан дўстлашишдан қайтарган.**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло "Мужодала" сурасининг 22-оятида шундай дейди:

**«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган кавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсаларда – дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Рух – Қуръон билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам (Аллоҳдан У зот берган ажр мукофотлардан) рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг ҳизби (бўлган зотларгина) најкот топгувчиidlар!»**

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида:

Аллоҳ таолонинг бу оятдаги «**гарчи улар ўзларининг оталари**» сўзи Бадр кунида ўз отасини ўлдирган Абу Убайда ҳақида нозил бўлган, «**ёки ўғиллари**» сўзи Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлган, чунки у ўша куни ўғли Абдураҳмонни ўлдиришга чоғланиб пайт пойлаган эди, «**ёки оға-инилари**» сўзи Мусъаб ибн Умайр ҳақида, чунки у ўша куни акаси Убайд ибн Умайрни ўлдирганди, «**ёки қариндош-урӯғлари**» сўзи эса ўзининг бир қариндошини ўлдирган Умар розияллоҳу анҳу ҳамда ўша куни Утба, Шийба ва Валид ибн Утбани ўлдирган Ҳамза, Али ва Убайд ибн Ҳорислар ҳақида нозил бўлган, дейилади. Валлоҳу аълам.

Шунинг учун ҳам Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр асиirlари ҳақида мусулмонлар билан маслаҳатлашганларида Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу асиirlардан фидя олишни маслаҳат берганлар ва улардан олинган фидялар мусулмонлар учун қувват бўлишини айтиб:

**«Булар бизнинг амакиваччаларимиз ва қариндош уруғларимиздир. Шояд, Аллоҳ уларни ҳидоятласа»,** деди.

Умар розияллоҳу анҳу эса:

**«Мен унинг фикрига қўшилмайман. Ё, Росууллоҳ менга Фалончи (ўз қариндоши)ни қўйиб беринг, ўлдирай! Алига Үқайлни, Фалончига Фалончини қўйиб беринг, ўлдиришсин. Токи, бизларнинг дилимизда мушрикларни дўст тутиш йўқлигини Аллоҳ билсин»,** деди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

**“Булар Аллоҳ ўз руҳи билан руҳлантирган, яъни қувватлаган инсонлардир”,** деган эди.

Аллоҳ таолонинг «Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳdm Ундан рози бўлдилар» сўзида ажиб бир сир бор. Улар Аллоҳнинг йўлида ўзларининг энг яқин қариндош-урӯғларига қилган ғазаб ва нафратлари эвазига мукофот ўлароқ Аллоҳ уларга ўз ризолигини билдириб, уларни ҳам Ўзидан рози қилди. ("Тафсири Ибн Касир, 4-жузъ. 330-331-саҳифалар)

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзининг мана бу қавлида:

**“Эй мўъминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган Ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар! Улар пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам Парвардигорларингиз бўлмиш Аллоҳга иймон келтирсанларингиз сабабли (ўз диёрларингиздан) ҳайдаб чиқармоқдалар-ку! Агар сизлар Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиққан бўлсангизлар (у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар. Ҳолбуки Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши билгувчи дирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у тўғри йўлдан озибди!**

(Эй мўъминлар), агар улар (мушриклар) сизларга зафар топсалар, душманларингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзурлар (яъни сизларни ўлдирурлар, ҳақоратлар қилурлар). Улар сизларнинг яна кофир бўлишларингизни истарлар.

(Қиёмат кунида) сизларга қариндош-уруғларингиз ҳам, болачақаларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермас! Қиёмат кунида (Аллоҳ) ўрталарингизни ажратиб қўюр. (Бас, нечун ўша уруғ-авлодингизни ҳимоя қилиш учун Аллоҳга гуноҳкор бўлмоқдасизлар?!) Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчиdir.

Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, "ибодат" қилаётган бут-санамлар) ни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча сизлар билан бизнинг ўртамиизда мангу адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир», дедилар. Фақат Иброҳим ўз(ининг кофир бўлган) отасига: «Албатта мен (Аллоҳдан) сен учун мағфират сўрайман, (лекин) сенга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани (азобни қайтаришга) молик эмасман», (деган сўзларигина сизларга намуна бўлмасин)!

Парвардигоро, бизларни бу кофир бўлган кимсаларга мафтун-алдангувчи қилиб қўймагин, бизларни(нг гуноҳларимизни) мағфират қилгин. Парвардигоро, албатта Сен Ўзинг қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан».

Дарҳақиқат сизлар учун — Аллоҳ ва охират Кунидан умидвор бўлган кишилар учун уларда (Иброҳим пайғамбар ва у зот билан бирга бўлган мўъминларнинг тутган йўлларида) гўзал намуна бордир. Ким (Исломдан ва мана шу панд-насиҳатлардан) юз ўгириб кетса, у ҳолда албатта Аллоҳ (ундай кимсалардан) беҳожат ва мақтовга лойиқ зотdir.

Эҳтимол Аллоҳ сизлар билан (Макка кофирлари орасидаги) сизлар душманлашиб юрган кимсалар ўртасида — (уларни ҳам иймон ва Исломга муваффақ қилиш билан) — бир дўстликни пайдо қилиб қўяр. Аллоҳ (барча ишга) қодирдир. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир.

Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингизда қайтармас. Албатта Аллоҳ адолат қилгувчilarни севар.

Аллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан — улар билан дўстлашишларингиздан қайtarур. Кимки улар дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзиdir." ("Мумтаҳана сураси", 1-9-оятлар маъноси)

Иbn Касир роҳимахуллоҳ ушбу оятлар тафсирида: "Ушбу сура аввалининг нозил бўлишига Хотиб ibn Абу Балтаъа қиссаси сабаб бўлган" дейди.

Имом Адмад ва Убайдуллоҳ ibn Абу Рофеъ, Али розияллоҳу анхудан мана бу хабарни эшитганлигини айғган:

"Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мен, Зубайр ва Микдодга Равзахоҳ (Мадина ва Макка орасидаги жой) га боринглар, у ерда бир йўловчи аёл бўлиб унда бир хат бор. Сизлар шу хатни олиб келинглар ", деб буюрдилар! Биз аёлни топиб унга:

- Хатни бер! - дедик.
- Менда ҳеч қандай хат йўқ деди у.
- Ҳозир хатни чиқариб берасан ёки кийимларингни ечасан!, - дея қаттиқ туриб олдик. Шунда у сочининг турмаклаган жойидан бир хат чиқариб берди. Хатни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга келтириб бердик. Очиб қаралганда, у Хотиб ибн Абу Балтаъанинг Макка мушрикларига ёзган хати кан. Унда Хотиб Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи бир ишлари ҳақида уларга хабар берган экан. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Хотибни чақириб:

Бу нима қилик, эй Хотиб, дедилар.

— Менга ҳукм чиқаришга шошилманглар. Мен Қурайшга кейин келиб қўшилган бўлиб, уларнинг ўзидан эмасман. Сиз билан бирга бўлган муҳожирларнинг Маккадаги аҳлларини ҳимоя қиласиган яқинлари бор. Менинг эса ҳеч кимим йўқ. Шундай бўлгач, мен мушриклар орасида бир яқинлик пайдо қиласму улар шу хабарлар сабаб менинг яқинларимни шояд ҳимоя қилишса, деб мен шу ишга қўл урдим. Мен буни диндан қайтганим ёки Исломдан куфрга рози бўлганим учун қилмадим, дея жавоб берди у. Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

- У сизларга рост сўзлади, - дедилар. Умар розияллоҳу анҳу:

Менга қўйиб беринг, бу мунофиқнинг бўйини узай, ё Росулуллоҳ — деди. Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Ахир у Бадр иштИроқчиларидан ку. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Бадр аҳлига: Хоҳлаганингизни қилинглар, мен сизларнинг гуноҳларингиздан ўтдим, деганлигини билмайсанми?, дедилар".

Ибн Можжадан бошқа муҳаддислар барчалари шундай ривоят қилганлар. Улар Суфён ибн Уяйнадан ўзга йўналишда келтирғанлар. Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ "Мағозий" китобида: "Сўнгра Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло:

**«Эй мўъминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар!...»** дея бошланган "Мумтаҳана" сурасини нозил қилди" деган жумлани зиёда қилган...

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўзи уларни кофирларга қарши курашишга, уларни душман тутишга, улардан ўзларини четга олишга ва улардан безор бўлишга буюриб, мўъмин бандаларига шундай дейди:

**"Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, "ибодат" қилаётган бут-санамлар) ни инкор этдик. Токи сизлар**

**ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча сизлар билан бизнинг ўртамиизда мангуд адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир», дедилар.**" ("Мумтаҳана" сураси, 4ояти маъноси)

Аллоҳ таоло шу суранинг 13 оятида шундай деди:

**«Эй мўъминлар, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавм билан дўст бўлманглар! Худди барча кофирлар қабр эгалари (яъни, ўликларнинг қайта тирилишлари)дан ноумид бўлганларидек, уларнинг ҳам охиратдан умидлари узилгандир.»**

Имом Табарий роҳимаҳуллоҳ ушбу оят шарҳида шундай дейди: "Аллоҳ таоло ўзининг: **"Эй мўъминлар, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавм билан дўст бўлманглар!"**... сўзида яҳудларни назарда тутгандир. Чунки улар мусулмонларнинг камбағаллари билан алоқа тиклаб, улардан мўъминлар орасидаги баъзи гаплардан дарак олар ва бу хабарлар эвазига уларни ўз боғларидати мевалар билан сийлар эдилар. Юқоридаги оят нозил бўлиши билан мўъминлар бундай тубан ишлардан қайтарилилар. Аллоҳ бу сурани қандай мавзуда бошлаган бўлса ўша билан, яъни кофирлар билан дўстлашишни бас қилишга бўлган тартиб билан ниҳоялади. Бу эса Хотиб ибн Абу Балтаъа ва бошқаларга бўлган хитобдир.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейди:

"Аллоҳ таоло "Эй мўъминлар, .... дўст бўлманглар!" сўзи билан улар билан яқиндан дўстлашманглар ва насиҳатлашманглар ҳам" деган бўлиб Хотиб ибн Абу Балтаъага ўз фазлу-карамини ифода этди. ("Тафсири Табарий", 18-жузъ. 76-саҳифа)

## **6) Кофирлар мусулмонларни ёмон кўради.**

Бизларга бунинг хабарини Аллоҳ Ўзи бериб, "Бақара" сурасининг 105-оятида шундай дейди:

**«На аҳли китоб (яҳудий ва насроний)лардан бўлган кофирлар ва на мушриклар сизга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик (яъни вахий) тушишини истамайдилар...»**

Яна Аллоҳ айтади:

**"Аҳли китобларнинг кўпчилиги сизларни, иймонли бўлганингиздан кейин, ҳасад қилганликлари сабабли куфрга қайтаришни истайди"...** ("Бақара" сураси, 109-оят маъноси)

Аллоҳ таоло айтди:

**"Ҳой (мўъминлар), сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни сўймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар-у (улар**

сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар). Сизларга йўлиққанларида: «иймон келтирдик», дейишади. Узлари холи қолишганда эса сизларни қаттиқ ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлайдилар. (Эй Муҳаммад, уларга): «Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!» — деб айтинг! Албатта Аллоҳ дилларни эгаллаган сирларни билгувчидир.

Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа қиласди. Агар сабртоқат қилсангиз ва Аллоҳдан қўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди. Албатта Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини иҳота қилгувчидир.” ("Оли Имрон" сураси, 119—120 оятлар маъноси)

Имом Табарий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

Оятдаги маъно: Кимдаки ушбу қаттиқ адоват, ҳиқду-гина ва мўъминларга келган мусибатларга шод бўлиш каби сифатлар мавжуд бўлса, ундан одам сирлашиш ва яқиндан дўстлашишга асло муносиб бўлмайди. Хоссатан, дунё ва охират иззатининг моҳияти бўлган буюк ибодат, яъни жиҳод ишларида ундан киши билан сирлашиш ва дўстлашиш асло жоиз эмас. (Тафсири Табарий) 4-жузъ, 181-183-саҳифалар)

#### **в) Мўъминлар имонда турар эканлар яҳуд ва насоролар асло рози бўлмайдилар.**

Аллоҳ таоло "Бақара" сурасининг 120-оятида шундай дейди:

Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: "Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир". Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди.

#### **г) Балки улар мўъминларни иймонга келганларидан сўнг кофирилкка қайтармоқни орзу қиласидилар.**

Аллоҳ таоло "Оли-Имрон" сурасининг 100-оятида шундай дейди:

**«Эй мўъминлар, агар китоб берилган кимсаларнинг баъзи бир гуруҳларига бўйинсунсангиз, улар сизларни иймонга келганингиздан кейин яна кофирилкка қайтарадилар.»**

**«Эй мўъминлар, агар кофириларга итоат қилсангиз, сизларни кетингизга (куфрга) қайтарадилар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қоласизлар.»** ("Оли Имрон" сураси, 149-оят маъноси)

Ибн Жарир Табарий раҳимаҳуллоҳ бу оят тафсирида шундай дейди:

"Бу билан зикри улуғ бўлган зот "Эй мўъминлар, Аллоҳ ва Унинг Росулининг ваъдаю ваъийдлари ҳамда буйруғу қайтириқларини тасдиқлаган инсонлар, агар сизлар пайғамбарингиз бўлган Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни инкор этган

яхуд ва насоролардан бўлган кофирларга сизни буюриб, қайтарган амрларида уларга бўйинсуниб, уларнинг бу борадаги фикрларини қабул қилсангиз ва уларни ўзларингизга насиҳатгуй билиб, насиҳатларини қабул қилсангиз улар сизларни имонга келганингиздан кейин муртад бўлишга, Исломни қабул қилгандан сўнг Аллоҳга ва Унинг оятларига кофир бўлишингизга (яъни уларга амал қилмай, уларни инкор этишингизга) мажбурлайдилар.

*Бас, зиён кўргувчилардан бўлиб қоласизлар. Натижада сизларни Аллоҳ ҳидоятлаб қўйган диннинг Исломдан ва иймонларингиздан қайтасизларда, ҳалок бўлгувчилардан бўлиб, ўзларингизга зиён қиласиз, динларингиздан адашиб, дунёю охиратингиз қўлдан кетади. Аллоҳ таоло бу билан ўзига иймон келтирган аҳли иймонни куфр аҳлига буйинсунишдан ҳамда уларнинг фикрлари ва диний насиҳатларини қабул қилишдан қайтармоқда". ("Тафсири Табарий" 4-жузъ, 122-123- сахифалар)*

#### **д) Аллоҳнинг муҳаббати, мўъминларни дўст тутиш ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод ўртасидаги алоқа.**

Мўъминларни дўст тутиш ва кофирларни душман билиш борасидаги шариат адкомларини баён қилдик. Энди эса Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳнинг Аллоҳга бўлган муҳаббат билан жиҳод орасидаги муҳим алоқа ҳакидаги қимматли гапларини эслайлик. У бу борада шундай деган эди:

"Бу ўринда муҳаббатнинг умумий ва мутлақ сифат бўлишининг моҳияти шундаки, мўъмин аввало Аллоҳни, Унинг пайғамбару росулларини ва мўъмин бандаларини яхши қўради. Бу муҳаббат яхши қўриш учун унданда ҳақлироқ бўлмаган ягона Аллоҳга бўлган муҳаббатдан келиб чиқади. Мана шунинг учун хам бу муҳаббатдан Аллоҳгагина бўладиган тоат-ибодат, таваккул, фидоийлик ва бошқа шунга ўхшаш буюк сифатлар ҳосил бўлади".

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ Аллоҳга бўлган муҳаббат диннинг асли экани, унинг мукаммаллиги диннинг комиллиги, нуқсони эса диннинг нуқсониданлигини баён қилиб, унинг исботи учун Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўйидаги ҳадиси шарифларини келтиради:

***"Ишнинг боши Ислом, унинг устуни намоз ва унинг энг чўққиси (юқориси) Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир".***

Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисларида жиҳод амалларнинг энг юқори чўққиси, энг шарафлиси ва энг буюги эканлиги хабарини бердилар.

Аллоҳ таоло "Тавба" сурасининг 19-22-оятларида айтади:

**«(Эй мушриклар), сизлар ҳожиларга сув беришни ва Масжид-ал-Ҳаромни обод қилишни — Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирган ҳамда Аллоҳ йўлида курашган зотлар (нинг амалларига) teng, деб билдингизми?! Улар (яъни, мўъминлар билан мушриклар) Аллоҳ наздида teng эмаслар, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Иймон**

келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида молу жонлари билан курашган зотларнинг Аллоҳ наздидаги даражалари жуда улуғдир ва ўшалар (бахт-саодатга) эришувчидирлар. Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан раҳмат ва ризолик ҳамда улар учун бўладиган жаннатлар хушхабарини берурки, у жаннатларда доимий неъматлар бордир. Улар ўша жойларда абадий қолурлар. Дарҳақиқат, фақат Аллоҳнинг ҳузуридагина улуғ ажр бордир.»

Собит бўлишича: банданинг ихтиёрий равишда қилган энг афзал амаллари ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод ўша муҳаббатнинг комиллигига далилдир.

Аллоҳ таоло "Тавба" сурасининг 24-оятида бундай дейди:

**«(Эй Мұхаммад), айтинг: «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини (яъни, азобини) келтирганича кутиб тураверинглар. Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас.» ака-укаларингиз,**

**«Эй мўъминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўурлар. Улар мўъминларга хоксор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйининг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир.»** "Моида" сураси, 54 оят.

### **Аллоҳга бўлган муҳаббат Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни талаб этади.**

Чунки ошиқ маъшуқи суйган нарсани суюб, унинг ёмон кўрган нарсасини ёмон кўради. Унинг дўстларини дўст тутиб, душманларини душман билади. Рози бўлган нарсасига рози бўлиб, нафратланган нарсасидан нафратланади. Маъшуқ буюрган нарсага ўзгаларни буюриб, у қайтарган нарсалардан қайтаради. Ошиқ бу ишларнинг барчасида маъшуқига мувофиқ бўлади.

Мана бундай кишилар ризолигига Роббилари рози бўлган, уларнинг ғазабланишлари или Роббиларининг ғазаби келган инсонлардир. Чунки улар Роббилари рози бўлган нарсага рози бўладиган ва Роббилари ёмон кўрган нарсаларга нафратланадиган бўлишган. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Билол ва Сұхайблар дохил бўлган бир жамоат ҳақида Абу Бакр розияллоҳу анхуга:

"Сен уларнинг ғазабларини келтириб қўйдинг шекилли, агар шундай бўлган бўлса, сен Роббингнинг ғазабини келтирган бўласан", деганларида Абу Бакр розияллоҳу анху уларга шундай деган эди:

- Мен сизларнинг ғазабингизни келтириб қўйдимми, эй биродарлар!
- Йўқ Аллоҳ сени мағфират қилсин, эй Абу Бакр, - деб жавоб бердилар улар.

Воқеа бундай бўлганди:

Бу жамоанинг ёнидан Абу Суфён ибн Ҳарб ўтиб қолади. Шунда улар: - Қани эди, ҳозир қилич билан шунинг бошини узиб ташласанг!? - дедилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу уларга карата:

- Сизлар Қурайшнинг саййидини шундай дейсизми?! - дедилар.

Сўнг у бу ҳодисани Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга сўзлаб берган эди, Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга юқоридаги гапни айтдилар. Чунки у одамлар бу гапни Аллоҳга ва Унинг Росулига бўлган муҳаббатларининг ҳамда ҳар иккисининг душманларига бўлган нафратларидан айтган эдилар. Шунинг учун ҳам Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз Роббилиридан қилган ривоятларида Аллоҳ таоло шундай дейди:

**«Бандам ўзининг нафл ибодатлари билан Менга яқинлашишда давом этаверади, ҳатто Мен уни яхши кўриб қоламан. Шунда Мен унинг эшитадиган қулоги, кўрадиган кўзи, ушлайднган қўли ва юрадиган оёғи бўлиб қоламан. У Мен билан эшитиб, Мен билан кўради. Мен билан ушлаб, мен билан юради. Шу пайтда у Мендан нимани сўраса, ўшани бераман. Агар у Мендан паноҳ сўраса, уни ўз паноҳимга оламан. Мен қиласидиган ишимда ҳеч иккиланмайман. Менинг тарааддудим ўлимни хушламайдигаи мўъмин бандамнинг жонини олишдадир. Мен ўша ёмонликни асло хушламайман, лекин бу унинг учун ҳеч чорасиз ишдир.»** ("Тухфатул Ироқия" 1-жузъ, 63-64-саҳифалар)

Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ яхуд ва насороларни дўст тутиш борасида шундай дейди:

"Агар дунёвий ишлардаги тақлид муҳаббат ва дўстликни келтириб чиқарадиган бўлса, диний ишлардаги тақлид қандай бўлади?! Зоро, диний ишларда уларга ўхшашлик ва тақлид қилишилик кўпроқ, қаттидроқ дўстлашишга олиб келади".

### **Кофиirlарни яхши кўриш ва дўст тутиш кишини иймондан айиради.**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло "Моида" сурасининг 51-53-оятларида:

**«Эй мўъминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (кофиirlар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар. (Шунда) мўъминлар (бир-бирларига): «Жон-жаҳдлари билан «Сизлар билан биргамиз», деб қасам ичганлар**

шуларми?» дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолишид,” деди.

Аллоҳ таоло аҳли китобларни мазаммат(танқид) қилган ўринда:

**“Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Ийсо бинни Марям тилида лаънатлангандирлар. Бунга сабаб уларнинг қилган исёnlари ва тажовузкор бўлганлариdir. Улар бир-бирларини қилган нолойиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш! Улардан кўплари кофир бўлган кимсаларни дўст тутганларини кўрасиз. Уларга нафси ҳаволари нақадар ёмон нарсани — Аллоҳнинг ғазабини келтирди. Энди улар абадий азобда қолгувчиidирлар. Агар Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган китобга иймон келтирганларида эди, уларни — кофирларни дўст тутмаган бўлур эдилар. Лекин улардан кўплари итоатсиз кимсалардир,” деганди. ("Моида" сураси, 78-81-оятлар маъноси)**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларга унинг ўзига, Пайғамбар алайҳиссаломга ва у кишига нозил бўлган Қуръонга бўлган иймон кофирлар билан дўстлашмасликни лозим тутишини, улар билан дўстлашиш эса иймонсизликни вожиб қилувчи эканини баён қилиб берди. Чунки лозим тутувчининг йуқлиги лозим тутилган нарсанинг бўлмаслигини тақозо этади.

Аллоҳ таоло шундай дейди:

**“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да, дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг диллариiga (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Рух – Қуръон билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам (Аллоҳдан — У зот берган ажр-мукофотлардан) рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг хизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг ҳизби (бўлган зотларгина) нажот топгувчиidирлар!” ("Мужодала" сураси, 22- оят маъноси)**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларга кофирни дўст тутувчи мўъмин топилмаслигини, кимки кофир билан дўстлашса, унинг мўъмин эмаслигини баён қилиб берди. Зоҳирий ўхшашликда дўстлик гумони бўлгани учун ҳам юқорида тақрири ўтганидек, тақлид (ўзини ғайридин аҳлига ўхшатиш) ҳаром қилингандир. ("Иқтизоус-сиротил-мустақим", 1-жузъ, 221-222-саҳифалар)

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ яна шундай дейди:

“Мўъминга Аллоҳ йўлида душманлашиш ва Аллоҳ йўлида дўстлашиш лозим бўлади. Бу ерда бир мўъмин бўлса, гарчи унинг қилган зулми иймоний дўстлик риштасини узишга боис бўлмайди”. Аллоҳ таоло “Хужурот” сурасининг 9-10-оятларида айтади:

**«(Эй мўъминлар), агар мўъминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирори иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасиниadolat билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом)adolat қилинглар! Зоро Аллоҳadolat қилгувчиларни суюр. Мўъминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар — шояд У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар.»**

Аллоҳ ушбу ояларда гарчи мўъминлар ичида ўзаро уруш ва душманлик мавжуд бўлсада, улар бир-бирларига ака-ука, биродар эканлигини баён қилиб, уларни ўзаро ислоҳга буюрмоқда. Мўъмин бу икки иш орасидаги фарқни яхшилаб ўйлаб кўрсин. Бири-бирига зид бўлган бу икки нарса қанчалар аралашиб кетган?!... Билгинки, бир мўъмин сенга қанчалик зулму-жафо қилган бўлсада, уни дўст тутмоғинг сенга вожиб бўлади. Кофир сенга қанчалар яхшилик қилган ва жуда кўп нарса берган бўлсада, сен уни душман билмоғинг вожиб бўлади. Чунки Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло диннинг ҳаммаси Аллоҳники бўлиши учун пайғамбарлар юбориб, илоҳий китобларни нозил қилди. Демак, муҳаббат фақат унинг дўстлари учун, нафрат эса фақат унинг душманлари учун, иззат-икром унинг дўстлари учун, таҳқири-хорлик унинг душманлари учун, эъзозу мукофот унинг дўстлари учун ва таъқибу-уқубат фақат унинг душманлари учун бўлмоғи лозим. Агар бир мусулмонда яхшилик ва ёмонлик, тоат ва фисқ-гуноҳ, суннат ва бидъатлар жамланган бўлса-да, у дўстлашишга ҳақли бўлиб, у ўзидаги яхшиликларга кўра ажру-мукофотга ва ўзидаги ёмонликларга яраша жазо-уқубатга ҳақли бўлади. Бир кишида иззат-икром ва хорликни вожиб қиладиган хислатлар жамланган бўлса, у ҳар бири учун ўзига яраша тақдирланади.

Масалан, бир камбағал ўғирлик қилса, ўғирлик қилгани учун унинг қўли кесилиб, байтулмодан унинг ҳожатига яраша нафақа берилади. Бу аҳли сунна ва валжамоа иттифоқ қилган асосдир. ("Фатволар тўплами", 28-жузъ, 208-209-саҳифалар)

### **е) Шубҳани даф қилиш.**

Агар сизга кимдир: - Ундан бўлса Аллоҳ таолонинг мана бу: «Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта Аллоҳadolat қилгувчиларни севар ("Мумтаҳана" сураси, 8) оятининг маъноси нима бўлади? Бу оят кофирларга муҳаббат қўйиш, уларга яхшилик қилиш ва уларни дўст тутишни жоизлигига далил бўлмайдими, деса, унга жавоб:

*“Ал бирр (яхшилик)дан мурод яхшиликни етказиши ваadolat қилиш, демакдир (яъни динда мусулмонларга қарши уруш қилмаган ва мусулмонларни*

диёрларидан ҳайдаб чиқармаган коғирларга зоҳирий яхшилик ва адолат қилиш жоиз). Буларнинг ҳар ва тил билан кўмаклашиш, ақида ва дунёвий ишларда уларга эргашиш, уларни сирдош билиб, мусулмонларнинг ички сирларидан воқиф қилиш каби хислатларни ўз ичига олган дўстлашиш доирасига кирмайди.

Саҳобалар олди-сомди алоқаларида ҳам дўстлик ҳосил бўлиши эҳтимолидан қўрқиб қолишгач, Аллоҳ таоло:

**“Аллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан — улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Кимки улар дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидир.“ ("Мумтаҳана" сураси, 9 ) маъносидаги оятни нозил қилди.**

Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ "Қуръон ҳукмлари" китобида шундай дейди:

**“Молу дунё билан бўлган алоқа, яхшилик қилиш, адолат қилиш, юмшоқ гапириш ва бир-бирига мактуб йўллаш алоқалари, булар Аллоҳнинг ҳукми билан манъ қилинган дўст тутиш ва мусулмонлар зиддига кўмаклашиш қаторида бўлмайди.**

Аллоҳ таоло мўъминларнинг зиддига кўмаклашмаган ва ўзларига ёрдам қилган мушрикларга яхшилик қилиш ва уларга адолат қилишга рухсат берди. Мўъминлар зиддига бир-бирига ёрдамлашганлар билан дўстлашишдан қайтарди. Ушбу манъ қилинган дўстлашиш — яхшилик ва адолат қилиш билан бир хил эмас. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам Бадр асирларидан бир нечаларини фидя эвазига озод қилганлар. Росууллоро саллаллоҳу алайҳи вассалламга тили ва амаллари билан душманлик қилишда таниқли бўлган Абу Изза Жумаҳийни ҳам эвазсиз озод килдилар. Бадр воқеасидан кейин Сумома ибн Усолни ҳам озод қилиб юбордилар. Ваҳоланки, у ҳам душманликда таниқли бўлиб, Росууллоро саллаллоҳу алайҳи вассаллам уни ўлдиришга буюрган эдилар. Асирга тушгандан сўнг уни озод этдилар.

**“Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат қўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товорон олурсизлар, Токи уруш юкларини қўйгунича (яъни тўхтагунича сизларга буюрилган иш) мана шудир.” "Муҳаммад" сураси, 4-оят маъноси.**

Сўнг Сумома Исломни қабул қилди. Росууллоро соллаллоҳу алайҳи вассаллам маккаликларга озиқ-овекат олиб бориш йулини тўсиб қўйган эдилар. Росууллоро соллаллоҳу алайҳи вассалламдан бу тақиқни бекор қилишга изн сўрадилар. Росууллоро саллаллоҳу алайҳи вассаллам изн бердилар. (Имом Шофеъий, "Қуръон ҳукмлари", 2-жузъ, 191-саҳифа)

Ибнул-Қоййум раҳимаҳуллоҳ, алоқа ҳамда аҳли зимма мискинларига вақф қилиш ва уларга садақа беришнинг жоизлигига Аллоҳнинг:

**“Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга**

яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингизда қайтармас. Албатта Аллоҳ адолат қилгувчиларни севар.

Аллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан — улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Кимки улар дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзиdir." ("Мумтаҳана" сураси, 8-9 ) оятларини далил қилиб шундай дейди:

"Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло суранинг аввалида мусулмонларни кофирлар билан дўстлашишдан ва улар билан ўзаро муҳаббатлашишдан қайтарди. Шунда баъзилар уларга яхшилик, адолат ва эҳсон қилиш ҳам уларни дўст тутиш ҳукмига кириб қолади, деб гумон қилишди. Шунда Аллоҳ таоло яхшилик ва адолат қилиш дўст тутиш ҳукмига кирмаслигини, балки яхшилик ва адолат Ўзининг яхши кўрган ва унга рози бўлган амалларидан эканини, кофирларни дўст тутиш, уларни яхши кўриш ва уларга муҳаббат билан юз тутиш қайтарилган эканини баён қилиб юқоридағи оятни нозил қилди". ("Аҳли зимма ҳукмлари", 1-жузъ, 602-саҳифа.)

Иbn Касир раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: "Аллоҳ таолонинг:

**Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан... чиқариб юборишга ёрдамлашмаган (аёл ва заиф) кофирларга яхшилик қилмоғингиздан қайтармайди. Балки Аллоҳ адолат қилгувчиларни яхши кўради".**

Имом Аҳмад "Сунан"идаги 6345-ҳадис ривоятида шундай дейди:

"Хишом ибн Урва Фотима бинти Мунзирдан, у эса Абу Бақр розияллоҳу анҳунинг қизи Асмо розияллоҳу анҳодан ривоят қилди. Асмо розияллоҳу анҳо айтади:

"Қурайшлар билан аҳдлашилган пайтда меникига онам келди. У мушрика эди. Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб:

— Менинг уйимга онам келди. Унга яхшилик қилсам бўладими? – деб сўрадим.

Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

**"Ҳа онангга яхшилик қил!"**, - дедилар".

Ушбу ҳадисни имом Бухорий ва Муслим ҳам ривоят қилганлар. ("Тафсири ибн Касир", 4-жузъ, 350-51-саҳифалар)

### 3. КОФИРЛАРНИ СИРДОШ ТУТИБ, МУСУЛМОНЛАРНИНГ СИРЛАРИДАН ВОҚИФ ҚИЛИШДАН ҚАЙТАРИШ

Аллоҳ таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَسْخِدُوا بِطَانَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُوئُكُمْ خَبَالًا وَدُوَاً مَا عَنْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ يَبْيَأَا لَكُمُ الْآيَاتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ

“Эй мўъминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни) сирдош дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиласдилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адвокатлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргазсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равshan қилиб бердик.” (“Оли Имрон” сураси, 118-оятдан)

Имом Қуртубий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

«Битона бирлик ва қўплик учун ҳам қўлланиладиган масдардир. Битонатур-рожул, деганда кишининг ўз ишларида маслаҳат олувчи хос одамлари тушунилади».

Аллоҳ таоло мана шу ояти билан мўъминларни кофирлар, яхудлар ва ўз ҳавои-нафсининг қули бўлган бошқа кимсаларни ички сирлардан воқиф бўладиган сирдош дўст тутишдан қайтарди.

Уламолар:

“Сени динингда ва тутаётган йўлингда сенга мухолиф бўлган кимсалар билан яқиндан сухбат қилмогинг дуруст бўлмайди”, деганлар.

Бир шоир: Киши ўзин эмас, яқинидан сўралар,  
Ҳар бир инсон ўзининг яқинига эргашар, деган экан.

Абу Довуднинг "Сунан"ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Инсон ўз дўстининг динида бўлади. Ҳар бирингиз ким билан дўстлашаётганига қарасин”,** дедилар.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан эса Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

**«Одамларга уларнинг дўстларига қараб баҳо беринглар»,** деганлиги ривоят қилинади.

Сўнгра Аллоҳ таоло кофирлар билан алоқа қилишдан қайтаришда қандай маъно борлигини баён қилиб деди:

**«сизларга бирон ёмонлик етказиша күч-тоқатларини ҳеч аямайдилар,»** яни: улар сизлар билан зохирان урушмасаларда, сизларга қарши пинҳона макру ҳийлаларини қўймайдилар.

Аллоҳнинг:

... وَدُواْ مَا عَنْتُمْ

сўзидаги ۲۰ масдария бўлиб, "сизларга келадиган машаққатни жуда хоҳлайдилар", деган маънони англатади.

("Оли Имрон" сураси, 118 оятдан. "Тафсири Қуртубий", 4-жузъ, 178-181-саҳифалар)

#### 4. КОФИРЛАРНИ МУҲИМ МАНСАБЛАРГА ҚЎЙИШДАН ҶАЙТАРИШ

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

"Имом Аҳмад саҳиҳ санад билан Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида у: "Мен Умар розияллоҳу анҳуга:

"Менинг бир насроний котибим бор", дедим. Шунда Умар розияллоҳу анҳу менга:

"Сенга нима бўлди? Аллоҳ сени қатл қилсин Аллоҳ таолонинг:

**«Эй мўъминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз!...»**  
 ("Моида сураси, 51-оятдан) **деган сўзини эшитмаганимисан? Тўғри одамни (мусулмон кишини) котиб тутмадингми?!'**, деди.

"Эй амирал мўъминин, менга унинг ёзган хати керак, дини эса ўзигадир", дедим.

Шунда Умар розияллоҳу анҳу:

**«Аллоҳ уларни хорлаган экан, мен уларни иззатламайман. Аллоҳ уларни залил қилган экан, мен уларни азиз қилмайман. Аллоҳ уларни йироқ қилган экан, мен уларни яқинлаштирмайман»,** деди.

("Иқтизоус-сиротил-мустақим", 1-жузъ, 50-саҳифа)

Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

**"Умар розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда у: "Аҳли китобларни бирон мансаб амалга қўйманглар! Чунки улар порахўрликни ҳалол санайдилар. Ўз ишларингиз ва халқингиз юмушларида Аллоҳдан қўрқадиган одамлардан иш олинглар!"** дейди. Умар розияллоҳу анҳуга: **Бу ерда Хияра насронийларидан бир киши бор бўлиб, ундан кўра**

*қалами ўткир, хати чиройлироқ одам йўқ. Шу одам сизга котиблик қилса нима дейсиз? дейишди.*

*Йўқ! Мен мўъминлардан ўзгани сирдош-дўст тутмайман! Аҳли зиммаларга бирон нарса ёздириш ёки ўзаро тасарруфот ва олди-сотдиларни ҳужжатлаширишда улардан фойдаланиш жоиз эмасдир, — дея жавоб берди у.*

*Ҳозирги замонга келиб ҳолатлар ўзгариб кетди. Мусулмонлар орасида аҳли китоблардан котиблик ва ишончли вакиллар сифатида фойдаланиш ҳоллари юзага келди. Бу билан улар жоҳил ҳокимлар, волийлар ва бой кишилар хузурларида улуғланиб қоляптилар".*

(Тафсири Қуртубий, 4-жузъ, 179-саҳифа)

Иbn Таймийя раҳимаҳуллоҳ:

"Аҳли зиммалар (Ислом давлатига жизя бериб яшайдиган Яҳудий ва Насоролар, бунинг эвазига уларни Ислом давлати ҳимоя қиласи)дан бирон вазифа ва котиблиқда фойдаланилмайди. Чунки мана шундай ишлардан фасод келиб чиқади ёки фасодга йўл очилади", - дейди.

Абу Толиб ривоятида имом Аҳмаддан:

«Хирож каби ишларда улардан фойдаланса бўладими? деб сўрашди.

Йўқ, улардан бирон жойда иш олинмайди. Аҳли зиммалардан бири мусулмонлар девонига сайланса у аҳдини бузмайдими? Кимданки мусулмонларга озор содир бўлган бўлса ёки фасодга ҳаракат қилган бўлса, уни бирон вазифага қўйиш жоиз эмас. Улардан бошқа ҳар бир инсон ҳамма вақт муносиброқдир. Чунки Абу Бакр розияллоҳу анҳу аҳли ридда (Росуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин диндан қайтган)лардан биронтасига ҳам гарчи Исломга қайтган бўлсада, уларнинг динларида бузилиш хавфи борлиги сабабли бирон мухим вазифа бермасликка фармон берган эди.»

("Ал-фатово ал-кубро", "Ал-ихтиёrot ал-илмийя", "Китоб ал-Жиҳод", 4-жузъ, 608-саҳифа)

## **5. КОФИРЛАРНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА ШИОРЛАРИНИ УЛУҒЛАШДАН, УЛАРНИНГ ФАСОДЛАРИДА ҲАМРОҲ БЎЛИШДАН ВА ЎША НАРСАЛАРНИ ЗИЙНАТЛАШ ВА МАҚТАШДАН ҚАЙТАРИШ**

Шайхул Ислом Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳ "Дўстлашиш ва душманлашиш ҳақидаги фасл"да шундай дейди:

«Албатта мўъминлар Аллоҳнинг дўстлари бўлиб, бир-бирларининг ҳам дўстларидир. Кофирлар Аллоҳнинг ва мўъминларнинг душманларидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мўъминларга ўзаро дўстлашувни вожиб қиласи. Шубҳасиз, бу дўстлашув иймон тақозосидандир. Аллоҳ кофирлар билан дўстлашувдан қайтариб,

бу дўстлашиш кофирларга нисбатан мўъминларда йўқлигини ҳамда кофирларини дўст тутган мунофиқларнинг ҳолини баён қилди.

**"Албатта ўзларига ҳидоят (йўли) аниқ-равшан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрға) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларини) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзу-хаёларни) узун қилиб қўйди. Бунга (яъни куфрға қайтиб кетишларига) сабаб, уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани (Қуръонни) ёмон кўрган кимсаларга: «Биз айрим ишларда сизларга итоат этамиз», деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг яширган (сиrlари)ни билур." ("Муҳаммад" сураси, 25-26-оятлар маъноси)**

Бундан билинадики, кофирлар билан дўстлашиш уларнинг ортларига, динларидан қайтишига сабаб бўлган экан. Шунинг учун ҳам "Моида" сурасида кофирларни дўст тутишдан қайтаришдан кейин муртадларнинг бошлиқлари зикр қилинади.

**«... Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир...»**  
("Моида" сураси, 51-оятдан)

Аллоҳ таоло ушбу суранинг 41-оятида айтди:

**«Эй пайғамбар, оғизларида: «Иймон келтирдик», деган, аммо диллари иймон келтирмаган (мунофиқлардан) ва яҳудийлардан бўлган, куфр томонга қараб чопаётган кимсалар сизни маҳзун қилмасин. Улар ёлғонга қулоқ бергувчи ва сизнинг олдингизга келмаган, сўзларни ўз ўринларига қўйилгандан кейин ўзгартирадиган бошқа қавмга (яъни яҳудийларга) қулоқ бергувчи кимсалардир. (Яҳудийлар): «Агар (Муҳаммад тарафидан) сизларга мана шу ҳукм берилса, олинглар, бўлмаса, (яъни бошқа бир ҳукм айтилса), эҳтиёт бўлинглар — олманглар, дейишади.»**

Аллоҳ мунофиқлар ва душманликларини беркитган кофирларни зикр қилиб: "**Улар сизнинг олдингизга келмаган бошқа бир қавмга қулоқ соладилар**", дея хабар беради. Бу эса, мунофиқ ва душманлигини беркитган кофирларнинг душманлигини ошкор этган кофирларга қулоқ солганларидир. Мўъминлар орасида мунофиқларга қулоқ солувчилар бўлгани ва Аллоҳ таоло:

**"... сизларнинг орангизда уларга қулоқ солувчилар ҳам бордир"...,**

("Тавба" сураси, 48-оятдан) деганидек, баъзи одамлар "саммоъуна"нинг маъноси, жосуслар бўлиб, уларнинг гапларига қулоқ солиб, эшитганларини душманларга олиб борадилар. Бундаги маъно ва "**сизларнинг ичингизда уларнинг гапларига қулоқ солиб, эргашувчилар бордир**", демакдир. Худдики, "**Аллоҳ унга ҳамд айтганнинг ҳамдини қабул қиласди**". Масалан, фалончи фалончига қулоқ солади, деганда "**унинг галини олиб, айтганини қиласди**" деб тушунилади.

Уммат ичидан кимки мушриклардан ёки аҳли китоблардан бўлган кофирларни бирон турли яқинлик билан, масалан, ботил аҳллари билан борди-келди қилиши

ва уларга фасод ишлари ёки ботил сўзларида эргашса, унга ўзининг қилмишига яраша танбех жазо ёки нифоқ нисбати берилади.

Аллоҳ таоло ҳабисни покдан, ҳақни ботилдан ажратишни яхши кўради. Бу каби одамлар мунофиқлар ёки уларда нифоқ нишоналари бор одамлар эканини билдиради. Гарчи, улар мусулмонлар билан бирга бўлсалар ҳам. Чунки бир одамнинг зоҳирда мусулмон бўлиши унинг ботинида мунофиқ бўлишидан тўсмайди. Мунофиқларнинг ҳаммалари зоҳирда мусулмон бўлишган. Қуръон уларнинг сифат ва ҳукмларини баён қилиб берган. Улар Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлган бўлсалар, Ислом азиз бўлиб рисолат ва нубувват нурлари оламга нур сочиб турган пайтда ҳам ва ундан кейинроқ ўша нурдан йироқлашиш билан мунофиқлар адади янада кўпроқ бўлган. Нифоқнинг сабаблари барча пайғамбарлар олиб келган рисолат душмани бўлмиш куфр сабабидандир.

(“Фатволар тўплами”, 28-жузъ, 190-202-саҳифалар)

## 6. МУСУЛМОНЛАР ЗИДДИГА КОФИРЛАРГА ЁРДАМЛАШИШДАН ҚАЙТАРИШ

Аллоҳ таоло "Моида" сурасининг 51-53-оятларида шундай дейди: (маъноси)

**«Эй мўъминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (кофирлар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиласиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар. (Шунда) мўъминлар (бир-бирларига): «Жон-жаҳдолари билан «Сизлар билан биргамиз», деб қасам ичганлар шуларми?» дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолишли.»**

Имом Табарий раҳимаҳуллоҳ ушбу оятлар нозил бўлиш сабабларини баён қилар экан, шундай дейди:

*“Бизнинг наздимизда бу борадаги энг тўғри сўз Аллоҳ мўъминларнинг ҳаммасини яҳуд ва насроларни ахли иймонлар зиддига ўзларига ҳамкор ва иттифоқдош қилиб олишдан қайтаргандир. Кимки Аллоҳга, унинг Росулига ва мўъминларга қарши курашда мўъминларни қўйиб, яҳуд ва насроларга ёрдамчи, иттифоқчи ва ҳамкор бўлса, бас, у ҳам ўшалар ҳукмида бўлиши хабарини бергандир. Аллоҳ ва унинг Росули бундай ишдан йироқдир”. (“Тафсири Табарий” 6-жузъ, 276-саҳифа)*

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ татарлар ҳақида шундай деганди: “Уларга қўшилган барча аскарбошиларнинг ҳукми ҳам босқинчи татарлар ҳукми билан бир хилдир. Уларда Ислом шариатидан қайтишлик қай миқдорда бўлса, бериладиган муртаддлик ҳукми ҳам шунча бўлади. Чунки салафларимизнинг закотни инкор этиб, уни беришдан бош тортганларни намоз ўқиб, руза тутишларига қарамай, гарчи

мусулмон жамоаларига қарши урушмаган бўлсаларда, уларни муртадлар, деб атаганлар. Энди Аллоҳ ва Росулининг душманларига қўшилиб мусулмонларни қатл қилаётганларни қайси ном билан аташ мумкин?!" ("Ал-фатово ал-кубро", 4-жузъ, 332-саҳифа)

Ибн Ҳазм раҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

*"Биз дорул Исломдан дорул ҳарб (Ислом бўлмаган юрт)га чиқиб кетган киши Аллоҳдан, мусулмонларнинг имомидан ва уларнинг жамоасидан йироқ бўлибди. Буни Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг мушриклар орасида яшаётган мусулмонлардан безор эканликларини баён қилган ҳадисларидан билдик. Пайғамбар алайҳиссалом мусулмондан эмас, фақат кофирилардангина йироқ бўладилар.*

Аллоҳ таоло "Тавба" сураси 71-ояти бошида айтди:

### **«Мўъминлар ва мўъминалар бир бирларига дўстдирлар...»**

Абу Мұхаммад раҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

*"Мана шундан маълум бўладики, кимки дорул ҳарб бўлган куфр диёрига у ердаги мусулмонларга қарши урушишни ихтиёр қилиб борса, у ўзининг мана шу иши билан муртад бўлади. Ўша муртадга берилган ҳукмларнинг барчаси: яъни қодир бўлинган вақтда уни қатл этиш, унинг мол-мулки ҳалол ҳисобланиши, никоҳининг бузилиши ва шу каби ҳукмлар берилади. Чунки Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон мусулмондан безор бўлмаганлар".*

Шунингдек, Ҳиндистон, Синд, Хитой, Судан, Рум ва Турк диёrlари каби ноислом мамлакатларда яшаётган мусулмонлар юки оғир(оиласи катта)лиги, маблағининг озлиги, жисмонан заифлиги ёки йўл топа олмаслиги каби сабаблар билан у ердан чиқиб кетишга қодир бўла олмаса, улар маъзур бўладилар. Агар кимки ўша ерларда яшаб туриб, мусулмонларга қарши урушаётган кофириларга бирон хизмати ёки кўрсатмалари билан ёрдам бераётган бўлса, у шубҳасиз кофир ҳукмидадир.

Исломга ошкора душман бўлган бир кофир давлат мусулмон диёrlаридан бирига ғолиб бўлиб, унга эгалик қилиб, у ердаги мусулмонларни ўз ҳолларига қўйиб кўйса, фақат унинг ўзи ўша ўлкага ҳокими мутлақ бўлиб, Исломдан бошқа бир динни (ҳукмрон дин ё давлат дини дея) эълон қилса, ўша ерда қолиб, у билан ҳамкор бўлганларнинг барчалари, унинг аъёну ёрдамчилари ва ўша кофирига рози бўлганларнинг барчалари, гарчи ўзларини мусулмон, деб даъво қилсалар ҳам юқорида зикр этганимиздек, кофир ҳукмида бўладилар.» ("Ал-Мухалло", 11-жузъ, 199-200-саҳифа)

Агар имом Табарий, Ибн Ҳазм ва Ибн Таймийя роҳимаҳуллоҳлар Ироқдаги мусулмонларга ҳужум қилиш учун Кўрфаз давлатларидан кўтарилаётган Америка ва унинг иттифоқдошларининг аскар ва тайёраларини кўрсалар, нима деган бўлардилар? Афғонистондаги мусулмонларни бомбардимон қилиш учун Покистондан кўтарилаётган Америка учқуч ва тайёраларини кўрсалар, нима дер

эдилар? Араб жазирасини босиб олиш, Ироқни муҳосара қилиш ва Истроил хавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат ва жанговар заҳиралар билан тўла бўлган Америка кема ва тайёралари Кўрфаз давлатлари, Яман ва Миср орқали йўл олаётгандигини кўрганларида, нима деган бўлар эдилар? Агар улар Фаластин мусулмонларининг уйлари ичидаги одамлари билан биргаликда ҳокимларимизнинг дўстлари бўлмиш Америка қуроллари ва танклари билан мажақланадиганини ва Ямандаги мужоҳидлар ҳукумат билан ҳамкорликда Америка тайёралари бомбардимон қилаётганини кўрсалар, нима деган бўлар эдилар?

## **7. УЛАРГА ҚАРШИ ЖИҲОД ҚИЛИШГА, УЛАРНИНГ БОТИЛЛИКЛАРИНИ ОЧИБ ТАШЛАШГА, УЛАРНИ ДЎСТ ТУТМАСЛИККА ВА УЛАРДАН ЙИРОҚЛАШИШГА БЎЛГАН БҮЙРУҚ**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларни кофиirlар билан дўстлашишдан қайтарибгина қолмай, балки асл кофиirlар, муртад ва мунофиқларга қарши жиҳод қилишга буюргандир.

**а) Асл кофиirlарга қарши жиҳод. Улар Ислом ўлкалариiga эгалик қилиб олганда уларга қарши жиҳод қилишнинг фарзи айн бўлиши.**

Иbn Таймийя роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

«Агар душман Ислом ўлкалариiga бостириб кирса, у ердаги ва унга қўшни ўлкалардаги мусулмонларга уни даф қилиш шак-шубҳасиз вожиб бўлади, чунки Ислом ўлкаларининг ҳаммаси бир ўлка хисобланади. Бундай ҳолда ота-она ва бошқаларнинг ижозатисиз душманга қарши оммавий сафарбарлик вожиб бўлади. Бу борада имом Аҳмад аниқ равshan қилиб:

**“Уммат ижмосига кўра, босқинчилардан динни ва номусларни ҳимоя қилиш учун бўлган жанг фарзларнинг энг қаттиғи ва заруридир. Иймондан кейинги фарзларнинг энг кучлиси дин ва дунёни бузувчи душманни даф қилишдир. Бунинг учун ҳеч бир нарса шарт қилинмайди, балки имкон қадар тезроқ уни даф қилинади”,** деган эди. Бу нарсани барча уламо дўстларимиз ҳам таъкидлаганлар. Босқинчи, золим-кофиirlарни даф қилиш билан ўз ватанида турган кофиirlari таъқиб қилиш ўртасидаги тафовутни фарқлай билиш ҳам фарздир.»

(“Ал-фатово ал-кубро”, “Ал-ихтиёrot ал-илмийя”, “Китоб ал-жиҳод” 4-жузъ, 607-саҳифа)

Мужоҳид олим Шайхул-Ислом Иbn Таймийя роҳимаҳуллоҳнинг Исломий диёрларга ҳужум қилган кофиirlарга жиҳод қилиш вожиблигига “ижмои уммат”нинг чиқарган ҳукмини далил қилиб айтган сўзларини, иймондан кейин уларни даф қилишдан кўра фарз нарса йўқ, дея Ислом уммати уламолари иттифоқ, қилганлигини таъкидлашини бир яхшилаб фикр қилиб кўринг! Сўнг ушбу сўзлар билан кофиirlарнинг диёрларимизга эмин-эркин ҳужум қилишлари ва ўз режаларини хотиржам, бехатар охирига етказиш учун бор ҳийлалар билан мусулмонларни жиҳоддан тўсиш учун жим ўтиришга ундаётган даъватчи ва сарой “уламо”ларининг сўзлари билан бир солишириб кўринг!

## **б) Ислом ўлкаларининг муртад ҳокимларига қарши жиҳод қилиш**

Ҳозирги замонамизда фарзи айн бўлган жиҳоднинг энг муҳими ва улуғи бу яхуд ва насороларни ўзларига дўст тутиб олган, Ислом диёрларида Ислом шариатидан бошқа қонунлар билан ҳукм юритаётган муртад ҳокимларга қарши бўлган жиҳоддир. Бу жумҳур уламо иттифоқ қилган иш бўлиб, у ҳақда уларнинг сўzlари тўлиб ётибди.

Қўйида биз уларнинг баъзиларини келтириш билан кифояланамиз.

Аллоҳ таоло "Нисо" сурасининг 65-оятида:

**"Йўқ, Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар",** дейди.

Имом Шофеъий "Тоъатур-Росул" бобида шундай дейди: Аллоҳ таоло "Оли Имрон" сурасининг 132-оятида:

**"Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз. Шояд Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлсангиз."**

**"Биз қай бир пайғамбарни юборган бўлсак, фақат Аллоҳнинг изни иродаси билан унга итоат қилинсин, деб юборганмиз..."** ("Нисо" сураси, 64-оятдан). Яна Аллоҳ таоло:

**"Кимки Пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди..."** ("Нисо" сураси, 80-оятдан)

Аллоҳ таоло мана бу ва юқоридаги оятлар билан Пайғамбар алайҳиссаломга итоат этиш вожиблигини таъкидлаб, Унга бўлган итоат Аллоҳга бўлган итоат ва У зотга бўлган маъсият Аллоҳга бўлган маъсият эканини баён қилди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига хилоф иш тутганларга ваъийд қилиб Аллоҳ:

**«...(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиласиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат этиб қолишидан ёки аламли азоб этиб қолишидан хазир бўлсинлар!»,** деди. ("Нур" сураси, 63-оятдан)

Аллоҳ таоло Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрига мухолиф бўлган кимсаларни, у киши олиб келган нубувватга тўлиқ таслим бўлишдан бош тортган ва бу нубувватга шубҳа қилувчиларни қўйидаги ояти билан иймондан чиқувчи кимсалар қаторидан қилиб қўйди.

**Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим**

**бўлмагунларича — бўйинсунмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар.** Бу ерда "танглик топмай"дан мурод шак-шубҳа, дейишган. Имом Мужоҳиднинг ривоятига кўра, харажнинг асли, дилтанглик, маъносини англатади. Таслим бўлиш, деганда ҳеч қандай шак-шубҳасиз, онгли равиша очиқ қалб ва ишонч ҳосил қилган ҳолда тўлиқ таслим бўлмоқлиқдир. Юқоридаги оят ҳар қандай мусулмон Аллоҳнинг ёки Унинг Росули амрларидан биронтасини инкор рад этса, бу рад этиш хоҳ шубҳа жиҳатидан, хоҳ қабул қиласлик жиҳатидан ва хоҳ таслим бўлишдан бош тортиш жиҳатидан бўлсин, барибир у Исломдан чиққанлигига далолат қиласди. Буни саҳобаи киромларнинг закот беришдан бош тортганларни муртад, дейишиб, уларни ўлимга ва зурриётларини асир қилишга маҳкум этганликлари тасдиқлади. Чунки Аллоҳ таоло кимки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга таслим бўлмаса, у аҳли Исломдан эмасдир, дея ҳукм қилгандир. (Имом Шофеъий, "Қуръон ҳукмлари" 3-жузъ, 180-181-саҳифалар)

Аллоҳ таоло "Моида" сурасининг 50-оятида шундай дейди:

**«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»**

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида шундай дейди:

"Барча яхшиликларни ўз ичига олуви ва барча ёмонликлардан қайтарувчи бўлган Аллоҳнинг қонунларидан юз ўгириб, Аллоҳнинг шариатига суюнмай, инсонлар томонидан ишлаб чиқилган қонунларга юз тутганларни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инкор этади. Худди жоҳилият давридаги инсонлар ўзларининг хошиш ва истакларига мослаб залолат ва жаҳолатдан иборат бўлган ҳукмлар билан иш юритгани ёки муғул татарлари ўзларининг подшоси бўлган Чингизхондан қолган Ёсиқ исмли инсон томонидан ёзилиб бир китоб шаклига келтирилган қонунлар тўплами билан сиёsat юргизганди. Бу тўплам эса яҳудий, насроний, Ислом миллатининг шариати ва бошқа турли тизим қонунларидан териб, ўз хоҳишлигарига мунофиқлаштириб олинган ва уларнинг авлодларига унга амал қилинадиган бир мудаддас қомус бўлиб қолгандир. Улар ушбу «қомус»ни Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг суннатидан юқори қўядилар. Кимки шундай қилар, экан у шубҳасиз кофиридир. Токи, у Аллоҳнинг ва Росулининг ҳукмларига қайтмас экан, у билан урушилади. Хоҳ озгина, хоҳ кўп нарсаларда бўлсин, Аллоҳнинг ҳукмидан ўзга ҳукмлар билан ҳукм юритилмайди". («Тафсири Ибн Касир», 2-жузъ, 68-саҳифа)

### **в) Шубҳа-гумонларни кўпайтирувчи мунофиқларга қарши жиҳод**

Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга мунофиқларга қўполлик ва қаттиққўллик билан жиҳод қилиб, уларга қарши ҳужжатларни тўплаб, ҳад-жазо чораларини қўллашга буюди. Аллоҳ таоло "Таҳрим" сурасининг 9-оятида айтди:

**«Эй Пайғамбар, сиз кофир ва мунофиқларга қарши жиҳод қилинг ва уларга қаттиққўл бўлинг!...»**

Имом Қуртубий роҳимаҳуллоҳ ушбу оятни шарҳлаб дейди:

"Бу ерда бир масъала бўлиб, у ҳам бўлса Аллоҳнинг динида қаттиқ туришдир. Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига коғирларга қарши Аллоҳга бўлган даъват, чиройли мавъиза ва қилич билан, мунофиқларга эса қаттиққўллик ва уларга қарши ҳужжатни қоим қилиб курашмоқقا, уларга охиратдаги аҳволларини билдириб қўйишга ва мўъминлар билан биргаликда Сиротдан ўтиш учун уларда нур бўлмаслигини эслатишга буюрди."

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ эса: "Уларга ҳадларни жорий қилиш билан қарши курашинг, деб буюрмоқقا" дейди. ("Тафсири Құртубий", 18-жузъ, 201-саҳифа)

## 8. КОФИРЛАРНИ ДЎСТ ТУТГАНЛАРДАН ШАРИАТ ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИГАН УЗРЛАР

Аллоҳ таоло мунофиқларнинг тақдир тақозоси билан ҳокимиятлар ўзгариб қолишидан қўрқиб, коғирлар мусулмонлардан ғолиб бўлиб қолса, ўзларига дастак бўлар, деган умидда коғирларга ёрдам берганлари учун уларнинг узрларини асло қабул қилмади. Аллоҳ таоло айтди:

**"Эй мўъминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.**

**Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (коғирлар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиласиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар.**

**(Шунда) мўъминлар (бир-бирларига): «Жон-жаҳдлари билан «Сизлар билан биргамиз», деб қасам ичганлар шуларми?» дейдилар. У мунофиқларнинг қилган амаллари беҳуда кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолишли.** "Моида" сураси, 51-53-оятлардан.

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

"Қалбларида маразлари бўлган кимсалар", яъни шак-шубҳа ва нифоқ бўлган кимсаларни "улар (коғирлар) томонга шошилаётганин кўрасиз, яъни зоҳирида ҳам, ботинида ҳам улар билан дўстлашиб муҳаббат изҳор қилишга шошилаётганини кўрасиз. "Бизга бирон бало етишидан қўрдамиз, дейдилар" яъни, уларни дўст тутиб, муҳаббат изҳор қилишларини коғирлар мусулмонлардан ғолиб бўлиб қолса, улардан ёмонлик етишидан қўрқишиларига ва бу ишлари яхуд ва насоролар ҳузурида бир дастак бўлади, дея таъвил қиласиган.

## 9. МЎЃМИНЛАРНИ ДЎСТ ТУТИШ ВА УЛАРГА ЁРДАМЛАШИШГА БҮЙРУҚ

Бизларни Аллоҳ қайтарган нарсалар кофирларни дўст тутишни баён қилиб бўлгач, Аллоҳнинг бизларга буюргани мўѓминларни дўст тутиш ҳақида қисқача баён қиласиз. Аллоҳ таоло "Анфол" сурасининг 72-75-оятларида айтди:

**"Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар — ана ўшалар, бир-бирларига дўстдирлар. (Яъни, тириклари бир-бирига ҳамкор, ўрталарида ўлим бўлса, бир-бирларига меросхўрдирлар). Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яъни, бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар). Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир.**

Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига ҳамкордирлар. (Бас, эй мўѓминлар, сизлар уларни ўзларингизга душман тутингиз). Агар шундай қилмасанглар (яъни мўѓминга дўст, кофирга душман бўлмасанглар), ерда фитна ва катта фасод бўлур.

Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар — ана ўшалар ҳақиқий мўѓминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир. (Сизлардан) кейин иймон келтириб ҳижрат қилган ва сизлар билан бирга курашган зотлар — ана ўшалар сизлардандир. Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирларига (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир." "Анфол" сураси, 72-75-оятлар.

Имом Қуртубий роҳимаҳуллоҳ ушбу оятларни шарҳлаб шундай дейди:

«*Аллоҳ таоло ўзининг "Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар" деган сўзида уруш диёрларидан ҳижрат қила олмаган мўѓминлар уларни қутқаришларинг учун сизлардан мол ёки одамлар билан ёрдам қилишингизни сўрашса уларга ёрдам беринглар! Бу ёрдамларингиз сизларга фарздир. Уларни ёрдамсиз ташлаб кўйманглар!", демоқда. Бундай ҳолда, агар кофир қавм билан сизларнинг орангизда урушмаслик ҳақида аҳдлашув бўлмаса, ўша кофир қавм ичида турган мўѓминларга ёрдам қўлинни чўзиш сизларга фарз бўлиб қолади. Агар ораларингизда бундай аҳд бўлган бўлса, унда сиз уларга ёрдам бермайсиз, токи келишилган муддат тугагунга қадар аҳдни бузмангиз!".*

Ибн Арабий шундай дейди:

*"Улар орасида ҳижрат қилишдан ожиз заифлар ёки асиrlар бўлиши бизларнинг орамизда дўстликни сақлаб қолади ва уларга ёрдам беришлик вожиб бўлади. Агар бизнинг саноғимиз кўтарса, уларни қутқариш учун бизлардан бир киши ҳам*

қолмагунча ёрдам қилмогимиз ёки бирор кишида бир дирҳам ҳам пулимиз қолмагунча уларни қутдариш учун бор дунёмизни сарфламогимиз вожиб бўлади".

Имом Молик ва бошқа олимлар ҳам шундай деганлар. Мусулмон халқининг қўлларида дунё хазиналари, ортиқча имкониятлари, куч-қудратлари ва сонлари керагидан ортиқ, бўла туриб асиrlарини душманлари қўлида ташлаб қўйишига беихтиёр «Иннаа липлаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун» (Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз, деб юборасан.» ("Тафсири Қуртубий", 8-ж. 57-с.)

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

"Аллоҳ таоло мўъминлардан бир неча тоифаларини зикр қилиб, уларни муҳожирлар ва ансорларга тақсим қилди. Муҳожирлар Аллоҳга ва унинг Росулига ёрдам қилишиб, унинг динини тиклаш учун молу-ватанларини ташлаб, ҳижрат қилдилар ва шу йўлда молу-жонларини сарфладилар. Ансорлар эса ўша пайтдаги Мадина аҳлларидан бўлиб, муҳожир биродарларига бағирларии очиб, уларга ўйжойлар бериб, ўз мол-мулкларига уларни шерик қилдилар. Улар билан биргаликда жанг-жадаллар қилишиб, Аллоҳ ва Росулига ёрдамлашдилар. Мана бу ансору-муҳожирлар бири бирларига яқин дўстдирлар. Яъни, уларнинг бири бирларига ўзгалардан кўра ҳақлироқдирлар. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир ва ансорларни бир-бирларига ака-ука қилиб қўйдилар.

Аллоҳ таолонинг:

**"... Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар..."** ("Анфол" сураси, 72 оятдан) қавлида зикр қилинган мўъминлар эса учинчи тоифадир. Улар иймон келтирганлару аммо ҳижрат қилмай ўз юртида ўтириб қолганлардир. Ушбу тоифага мансуб бўлганларнинг ғанимату-ўлжалар ва хумсларда улушлари йўқдир. Фақат улардан кимки жангларда иштIROқ қилса, ўша одамгина бундай улушга ҳақли бўлади.

Аллоҳ таоло:

